




[www.xb.uz](http://www.xb.uz)

# ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

ГODOBOЙ OТЧEТ  
ANNUAL REPORT

# 2019





# МУНДАРИЖА

---

1. Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви Раисининг мурожаати	03
2. Банк ҳақида маълумот	05
3. Банк фаолиятининг 2019 йилдаги асосий яқунлари	09
4. Кредит сиёсати	15
5. Банк маҳсулотлари ва хизматлари	17
6. Интерактив банк хизматлари	19
7. Ташкилий тузилма, филиаллар тармоғи	22
8. Кадрлар сиёсати	25
9. 2019 йил трансформация бўйича хронология	26
10. Аудиторлик ҳисоботи	79

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ



Халқ банки Бошқаруви ва жамоаси номидан Сизнинг эътиборингизга 2019 йилда банк томонидан эришилган натижаларни ҳавола этамиз.

Ўтган йил якуналарининг ижобийлиги Халқ банкининг ривожланиш стратегиясида белгиланган бир қатор вазифаларнинг амалда жорий қилиниши ва банк бизнесини тубдан такомиллаштириш жараёнининг давомийлиги, хизмат кўрсатишдаги универсалликни сақлаб қолиш ва унинг самарасини ошириш натижасида эканлигини ишонч билан таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банк соҳаси ривожланиш динамикасида Халқ банкининг энг йирик банклар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлаб қолгани, энг катта филиал тармоғига эгаллиги ҳамда бир қатор йўналишлардаги кўрсаткичлар бўйича ўз ўрнини яхшилаб олгани қувонарли ҳол.

Бугунги кунда, Халқ банки Ўзбекистон банк тизимида жисмоний шахслар омонатлари, пластик карталар эмиссияси, терминаллар, шохобчалар ва ходимлар сони бўйича етакчилар қаторида ҳисобланади. Шунингдек, банк устав капитали, инвестиция, жами депозитлар қолдиғи, кредит портфели, активлар, банкоматлар ва инфокиосклар сони кўрсаткичлари бўйича кучли олтиликка киради (Ахбор рейтинг).

Банк томонидан жисмоний шахслар учун омонатлар, юридик шахслар учун ҳар хил шартлардаги депозит сертификатлари, жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчиларга кўплаб турдаги кредитлар, аккредитивлар билан амаллар, банк кафолатлари бериш, ҳисобрақам очиш ва юритиш, миллий ва халқаро пластик карталар чиқариш каби хизматлари таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчиларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси очиш ва ҳисобини юритиш, халқаро пул ўтказмалари, лотерея ўйинлари ҳамда бошқа бир қатор банк маҳсулотлари ва хизматлари ҳам таклиф қилинмоқда.

Банкнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида, банкнинг умумий капиталини етарлича шакллантириш ва унинг ўсиб боришини таъминлаш ҳамда узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш - 2019 йилда ҳам Халқ банкининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Ривожланиш стратегиясига мувофиқ 2019 йилда активлар, депозитлар, капитал ва даромад базаси миқдори каби барча асосий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилиши давом эттирилди.

Ҳисобот даврида жами активлар миқдори **86,3 фоизга** ўсиб, **17 334,1 млрд. сўмга** етказилди. Ҳисобот йилида кредит қўйилмалари **164,5 фоизга** кўпайиб, жами **12 407,3 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Белгиланган мақсадларга мувофиқ Халқ банки ресурслар бозорида ўзининг етакчи ўрнини сақлаб қолди. Жами депозитлар ҳажми **7 563,3 млрд. сўмни** ташкил қилиб, банклар ўртасида **8,3 фоиз** улуш билан 5-ўринни эгаллади.

Шундай бўлсада, аҳоли омонатлари бўйича мунтазам барқарор равишда 1-ўринни сақлаб қолди. Пластик карталар орқали нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш мақсадида **423 минг дона пластик карта** муомалага чиқарилди ва натижада нақдсиз тўловлар ҳажмини сезиларли равишда оширишга эришилди.

Мижозларга “Мобиль банкинг”, “Интернет банкинг”, ФЖБПТТ иштирокчилари учун махсус “СМС-информер” ва “Xalq Mobile” интерактив банк хизматлари кўрсатилмоқда. Банкнинг масофавий интерактив хизматларидан **75 мингдан** ортиқ мијозлар фойдаланиб келишмоқда. 2019 йилда лотерея фаолияти кенгайтирилиб, **8 та лотереялар** ташкил қилиниши натијасида жами **36,3 млрд. сўм** миқдорида соф фойда олинди.

Келажакда ҳам банклар ўртасида етакчиликни мустаҳкамлаш, кўрсатилган хизматлар сифатини янада ривожлантириш мақсадида банк ривожланиш стратегиясининг янги устувор йўналишлари:

I. Халқ банкининг мамлакат барқарор ва фаол молиявий ташкилоти сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш;

II. Халқ банкини энг сўнгги технологик, мобиль банк, маҳсулотларнинг кўп ва қулай шаклларига эга бўлиши учун замонавий техникалар билан янгилаш;

III. Халқ банкининг рақобатбардошлигини таъминловчи кучли ходимлар сиёсатини жорий қилиш ва амалга ошириш;

IV. Банкнинг молиявий самарадорлигини ошириш;

V. Самарадор инфор­мацион сиёсат ва брендни илгари суриш;



Ишончимиз комилки, ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш натијасида Халқ банки фаолиятининг янги сифатли даражага ошириши ва мамлакатнинг молия бозорида юқори ўринларни эгаллашини таъминлайди.

Мазкур имкониятдан фойдаланиб барчанинг Халқ банки ходимларига меҳнатсеварлиги ва стратегик мақсадларимизга эришиш учун қатъият билан фидокорона меҳнат қилганликлари учун ҳамда акциядорларимизга, мијозларимизга ва ҳамкорларимизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хурмат билан,  
Бошқарув Раиси  
Ф. Саламов

## БАНК ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

АТ Халқ банки Ўзбекистоннинг қадимий банкларидан бири ҳисобланади. Тошкентда бирламчи жамғарма кассалар 1875 йилда ташкил этилган.


Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1995 йил 4 октябрдаги қарорига асосан “Ўзжамғармабанк” Давлат-тижорат Халқ банки этиб қайта ташкил этилди. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки номи Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкига ўзгартирилди. Айти пайтда Ҳукуматнинг доимий равишда қўллаб-қувватлаши туфайли Халқ банкининг салоҳияти янада ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Халқ банки мамлакат иқтисодиётининг пул-кредит соҳасидаги ислохотлар жараёнида Ҳукуматнинг молия агенти сифатида фаолият олиб бориб, бугунги кунда зиммасига юклатилган барча масъулиятли вазифаларни доимий равишда адо этиб келмоқда. Банк ўз салоҳиятини барқарорлаштириш, аҳолининг банкка бўлган ишончини янада ошириш, мамлакат банк хизматлари бозоридаги ўз мавқеи ва ролини мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этмоқда.

Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Бугунги кунда банкнинг **197 та** туман (шаҳар) филиали, **29 та** мини-банк ва **3 мингта** кассаси иқтисодиётнинг реал секторига — кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Халқ банкининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон фуқароларини пенсия ва нафақалар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти туғрисида»ги Қонунига асосан фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига қўшимча тариқасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими йўлга қўйилган.



Халқ банки ягона, ўз филиалларини бир-бири билан боғловчи ва етарлича ҳимояловчи электрон база яратиш учун кўп ишларни амалга оширди.

Халқ банки жамоаси доимий равишда ўз олдида янги стратегик мақсад ва вазифаларни қўйиб келади. Айти пайтда мазкур қадам мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқиши, рақобатбардош позицияга эришиш, инвестициявий жозибадорликни таъминлаш, бошқарув ва технологик жараёнларни модернизациялаш ҳисобига молия хизматлар бозорида қатор кўрсаткичлар бўйича пешқадамликни эгаллашга хизмат қилмоқда.

#### Банк акциядорлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (29,9 фоиз);

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси (70,1 фоиз).

#### Банкнинг рейтинглари:


“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг **BB-/B “Барқарор”** даражали рейтингига эга бўлди.

“Ahbor-Reyting” банкнинг рейтингини миллий шкала бўйича “UzA” даражасида “Барқарор” прогнози билан тасдиқлади.




#### Лицензиялар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 2018 йил 13 октябрдаги 25-сонли лицензияси.



## ХАЛҚ БАНКИ КЕНГАШИ ТАРКИБИ

### Кенгаш Раиси

#### **Қўчқоров Жамшид Анварович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири

### Кенгаш аъзолари:

#### **Ташпулатов Фарходжон Мухаммаджанович**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

#### **Обидов Асқар Акбарович**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Бош консультанти

#### **Ибрагимов Жамол Камилович**

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бошқарма бошлиғи ўринбосари

#### **Бутиков Игорь Леонидович**

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқот қилиш маркази директори



# ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ ТАРКИБИ

**Саламов Фарход Исламович**

Бошқарув Раиси

**Нуритдинов Дилмурод Акрамович**

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

**Атамурадов Бахтиёр Туймуродович**

Бошқарув Раиси ўринбосари

**Аббосов Низомиддин Равшанович**

Бошқарув Раиси ўринбосари


**Ҳотамов Бекзод Нуралиевич**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори


**Ташматов Нуритдин Зубайдуллаевич**

Юридик департаменти директори


# БАНКНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ




### АКТИВЛАР (трлн. сўмда)




### КАПИТАЛ (трлн. сўмда)




### КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИК КЎРСАТКИЧИ




### ДЕПОЗИТ (трлн. сўмда)




### КРЕДИТ ҚЎЙИЛМАЛАРИ (трлн. сўмда)




### NPL КЎРСАТКИЧЛАРИ




### ДАРОМАД (трлн. сўмда)




### ХАРАЖАТ (трлн. сўмда)




### САМАРАДОРЛИК КОЭФФИЦЕНТИ (CIR)





### СОФ ФОЙДА (млрд. сўмда)



### АКТИВЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ (ROA)



### КАПИТАЛ РЕНТАБЕЛЛИГИ (ROE)



## АКТИВЛАР

2019 йил давомида банк активлари миқдори жадал ўсиб бориши эвазига йил бошига нисбатан **86,3 фоизга ўсиб, 17 334,1 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Мазкур кўрсаткичнинг ортиши Халқ банки хизматларига бўлган талабнинг ошганини яққол акс эттиради.



## БАНКЛАРАРО ДЕПОЗИТЛАР

Банк ҳисобот йилида банклараро ресурслар бозоридаги иштирокини кенгайтиришда давом этди, натижада тижорат банкларига жойлаштирилган депозитлар ҳажми **2 378,2 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Бунда, қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши банклараро қўйилмалар рентабеллигига сезиларли таъсир кўрсатмади, уларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси **12,8 фоиз** даражасида сақланди.



Банкнинг умумий мажбуриятлари ҳажми ҳисобот санасига **12 973,4 млрд. сўм**ни ташкил қилиб, бу 2018 йил якуни кўрсаткичига нисбатан **73 фоиз** ўсишга тенг.

Мажбуриятларнинг катта қисми мижозлар депозитлари – **7 563,2 млрд. сўм** ёки **58,3 фоиз**дан иборат.

Улардан талаб қилиб олингунига қадар депозитлар ҳажми **1 240,6 млрд. сўм**, жамғарма депозитлар **4 315,6 млрд. сўм** ва муддатли депозитлар **2 007,1 млрд. сўм**ни ташкил қилди.

Депозитлар қолдиғи бўйича банкнинг бозордаги улуши **8,3 фоиз**ни ташкил қилиб, республика тижорат банклари орасидаги **5 - кўрсаткич**дир.


Қайд этиш жоизки, ҳисобот йилида жамғарма депозитлари асоси жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобига сақлаб қолинди, унинг қолдиғи **3 900,8 млрд. сўм**ни ташкил қилди.

Тараққиёт Стратегияси асосини ташкил қилган маҳсулот линиясини ривожлантириш тадбирларига мувофиқ, банк таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар турларини кўпайтириш, шунингдек, депозитнинг янги турларини жорий этишни давом эттирди.

2019 йилда “Автокредит”, “Болалар хазинаси”, “ONLINE KOPILKA”, “Юксалиш”, “Expat-car”, “Совринли”, “Exclusive”, “Айнан сиз учун”, “Айнан сиз учун 2”, “Айнан сиз учун \$”, “Stimul жамғарма”, “Exclusive-2”, “Хазина-3”, “Меҳнат самараси” каби жисмоний шахсларга мўлжалланган **14 та** янги омонат турлари жорий қилиниб, ушбу омонатларга **420,7 млрд. сўм** жалб этилди.

Ҳисобот санасида жисмоний шахсларга турли муддат ва фоиз ставкасига эга бўлган жами **8 турда**ги омонатлар таклиф этилди.

Жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамидаги умумий қолдиқ маблағлари **4 830,7 млрд. сўм**ни ташкил қилди.



## КАПИТАЛ

Ҳисобот йилида Халқ банки устав капитали ҳажми **4 230,9 млрд. сўм**га етди.

Шунингдек банкнинг жами капитали **4 360,7 млрд. сўм**ни ташкил қилган ҳолда, **141,8 фоиз**га сезиларли ўсишига имкон берди. Бу республика банк секторининг капитал ҳажми бўйича 5-ўриндаги кўрсаткичдир.

Капитал суръатининг активлар суръатига нисбатан ортиши натижасида 2019 йил якунида капиталнинг адекватлик кўрсаткичи **25,0 фоиз**га тенг бўлди, бу эса ўрнатилган минимал норматив кўрсаткичидан **12,0** бандга кўпдир.



## ДАРОМАД / СОФ ФОЙДА

2019 йил якунларига кўра, соф фойда **104,8 млрд. сўм** бўлиб, мазкур кўрсаткич банк фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткич саналади. Халқ банки соф фойда кўрсаткичи бўйича тижорат банклари орасида **13-ўрин**ни эгаллаган.

Ҳисобот йилида юқори фоизли жалб этилган ресурс улушига нисбатан паст қийматли ресурслар фойдасига пасайтиришини кўзда тутувчи банк пасивлари тузилмаси қайта кўриб чиқилган. Натижада, даромадлар суръати харажатлардан баланд бўлиши таъминланди.

## ЖАМҒАРИЛИБ БОРИЛАДИГАН НАҒАҚА ТИЗИМИ

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ФЖБПТТда очилган ҳисоб рақамларининг сони **12,5 млн.** тага етган (1 йилдаги ўсиш - **855 мингта**), уларнинг қолдиқ маблағлари **3 900,8 млрд. сўм** (1 йилдаги ўсиш - **500 млрд. сўм**).

2019 йил давомида жамғариб бориладиган маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга **181,9 млрд. сўм** тўлаб берилган.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра ФЖБПТТнинг банклараро молиявий инструментлар ва инвестицион лойиҳаларга қўйилмалари ҳажми **3 900,2 млрд. сўм**ни ташкил қилди.

Жумладан, **2 257,5 млрд. сўм** – банклараро депозитлар, **1 617,57 млрд. сўм** – инвестицион лойиҳалар ва **25,1 млрд. сўм** – банклараро облигация ва сертификатлардир. ФЖБПТТ маблағларнинг жойлаштирилиши натижасида 2019 йилда Халқ банки томонидан **561,2 млрд. сўм** даромад олинган.

Ушбу ресурсларнинг жойлаштирилиши иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган **“Ўзбеккўмир” АЖ**, **“Пойтахт қурилиш” УК** ва бошқаларни молиялаштириш имконини яратди.



## ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2019 йил якунлари бўйича банкнинг инвестицион портфели **212,2 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан, давлат қимматли қоғозларига **82,4 млрд. сўм**, тижорат банкларининг корпоратив облигацияларига **25,1 млрд. сўм**, акциядорлик жамиятларининг акцияларига **4,3 млрд. сўм** ҳамда масъулияти чекланган жамиятларининг устав фондига **100,4 млрд. сўм** миқдорида инвестициялар киритилган. Банкнинг инвестицион портфели ҳажми бўйича бозордаги улуши **7,04 фоиз**ни ташкил этиб, тижорат банклари орасида **6-ўрин**ни эгаллади.

Ҳисобот даврида банк томонидан ушбу инвестициялардан **41,6 млрд. сўм** миқдорида дивиденд ва фоизли даромадлар олинди.



Кредит портфелининг ҳажми **12 407,3 млрд. сўми** ташкил қилган бўлиб, бундан, **7 845,1 млрд. сўми** - ҳўжалик субъектлари учун кредитлар бўлса, жисмоний шахсларга тақдим этилган кредитлар ҳажми **4 562,2 млрд. сўми** ташкил этади.

Халқ банки иқтисодиётнинг стратегик муҳим соҳалари лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда. Узоқ муддатли кредитлар улуши **11 270,2 млрд. сўми**, яъни умумий кредит портфелининг **90,8 фоизини** ташкил қилади.

Қайд этиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Ҳисобот йилида кичик бизнес субъектларига **5 999,1 млрд. сўм**, шунингдек, **2 256,4 млрд. сўм**лик микрокредитлар ажратилди.

Хусусан, саноат соҳасини ривожлантиришга – **969,0 млрд. сўм**, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига – **2 083,0 млрд. сўм**, савдо ва умумий овқатланиш соҳасига – **535,8 млрд. сўм**, қурилиш соҳасига – **210,1 млрд. сўм**, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига – **2 200,7 млрд. сўм** йўналтирилган. Қайд этилган кредит маблағларининг ажратилиши **116,3 мингдан** ортиқ янги иш ўринларини яратиш имконини берди.

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасига **140,1 млрд. сўм**, қишлоқ ҳўжалигисоҳасига – **1 190,2 млрд. сўм**, саноат соҳасига – **238,6 млрд. сўм**, хизматлар ва сервис соҳасига – **327,4 млрд. сўм**, қурилиш соҳасига – **32,1 млрд. сўм**, транспорт ва коммуникация соҳасига – **46,4 млрд. сўм**, иқтисодиётнинг бошқа йўналишларига – **281,7 млрд. сўм** микрокредитлар ажратилди.

Банк микрокредитлари ҳисобига **110,2 мингта** янги иш ўрни яратилиши таъминланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли қарори талабларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар лойиҳаларини молиялаштиришга **918,2 млрд. сўм** ажратилган ва **3,4 минг** янги иш ўринлари яратилган.


Шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга **1 104,1 млрд. сўм** ажратилган, натижада **3,9 минг** янги иш ўринларини яратиш таъминланди.

Аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш, хусусан, турли мақсадлар учун кредит ажратиш банк кредит фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврида жисмоний шахсларга **2 569,2 млрд. сўм** миқдордаги кредитлар ажратилган. Шундан, **1 656,9 млрд. сўми** — истеъмол ва микроқарз, **318,7 млрд. сўми** — ипотека, **17,2 млрд. сўми** — таълим кредитларидир.

2019 йилда жами **197 млн. евро** ва **33 млн. АҚШ доллари** хорижий кредит линиялари, шундан Ҳукумат кафолати асосида 2 та халқаро молия институтининг **24 млн. АҚШ долларилик** кредит линиялари ва Ҳукумат кафолатисиз банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтларининг **9 млн. АҚШ доллар** ва **197 млн. евролик** кредит линиялари жалб қилинди.

Халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредит линиялари ҳисобидан **115,4 млн. АҚШ доллари** эквивалентидаги лойиҳалар молиялаштирилди ва белгиланган **114,7 млн. АҚШ долларилик** режа кўрсаткичи ортиғи билан бажарилиши таъминланди.



## БАНК МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ



Тасдиқланган стратегик мақсад ва вазифаларга кўра, ҳисобот даврида Халқ банкининг универсаллигини таъминлашга йўналтирилган банк маҳсулотлари турларини кенгайтириш сиёсатини амалга ошириш давом эттирилди.

Банк анъанавий банк маҳсулотлари ва хизматларнинг барча йўналишлари, жумладан, жисмоний ва юридик шахслар учун депозит маҳсулотларининг кенг рўйхати, кредитнинг хилма-хил турлари, аккредитив операциялари, пластик карталарини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, ҳисобрақамларини тезкорлик билан очиш ва юритиш, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларини юритиш, интерактив банк хизматлари, халқаро пул ўтказмалари, лотерея ўйинлари ва бошқа хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш ва савдо-сотиқнинг барча нуқта-ларида ягона стандарт бўйича хизмат кўрсатиш орқали таклиф этилаётган хизматлар сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ички тартиб-қоидаларга кўра, ҳисоб-касса хизматида мижозларга хизмат кўрсатиш вақти 3 дақиқадан кўп бўлмаслиги, кредит олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш вақти эса 3 кундан ўтиб кетмаслиги лозим.

Банк бизнесига замонавий ахборот технологияларини янада чуқур интеграция қилиш мақсадида омонатчиларнинг бармоқ изларини сканер қилиш тизими тўлиқ ўрнатилган, бу эса омонатчиларнинг маблағларини янада яхшироқ ҳимоя қилиб уларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Банк томонидан **423 минг дона** пластик карта муомалага киритилган бўлиб, уларнинг умумий миқдори **3,9 млн. донани** ташкил қилди. Бу эса ўз навбатида, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенгайишига олиб келди.

Ҳисобот даврида **10,0 трлн. сўм** қийматидаги транзакциялар амалга оширилди. Банк филиалларида **84 та инфокиоск** ва **493 та банкомат** ўрнатилган.

2019 йили банк томонидан **Режали тўлов, Кредит, Кобейжинг, Кобейжинг голд кредит, Мир Кобейжинг, Кобейжинг бизнес, Кобейжинг Корпаратив ва Пенсия овердрафт**, карталари муомилага чиқарилди.

207 та хизмат кўрсатиш пунктлари “Western Union”, “Contact”, “Unistream”, “Золотая корона”, “UPT” ва “UzPay” тизимлари бўйича Халқаро пул ўтказмалари хизматларини амалга оширмоқда.

Пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 1 409,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 52,1 фоизга кўпдир. Пул ўтказмалари ҳисобига 5,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги даромад олинган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 ноябрдаги 396-қарори билан Халқ банкига берилган ваколатларни амалга ошириб келмоқда, хусусан, лотерея фаолияти сезиларли даражада кенгайтирилган. 2019 йилда 8 турдаги лотерея ўйинларининг ташкил қилиниши 36,3 млрд. сўм миқдорида қўшимча соф фойда келтирган.



## ИНТЕРАКТИВ БАНК ХИЗМАТЛАРИ

Ҳисобот даврида Халқ банки тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада мукамаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди.

Масофадан банк хизматларини кўрсатишни ривожлантиришга банк бизнесининг салоҳиятли йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мижозларга **“Мобиль банкинг”**, **“Интернет-банкнинг”**, шунингдек, **“СМС-информер”** ва **“Xalq Mobile”** каби интерактив хизматлар тақдим этилмоқда. Масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимида уланган миждозларнинг умумий миқдори **75,5 мингдан** ортиқни ташкил қилади.

Банк томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар турини кенгайтиришга қаратилган чора - тадбирлар натижасида масофадан туриб банк хизматидан фойдаланувчи миждозлар сони ҳисобот санасига **75 550 тани** ташкил қилди, улардан **7 616 таси “Интернет-банкнинг”** тизимида, **67 934 таси “Мобиль банкинг”** хизматида уланган.

### “Xalq Mobile” мобиль иловаси


Банкнинг жисмоний шахслар учун **“Xalq Mobile”** иловаси орқали миждозлар коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш ҳамда кредит маблағларини назорат қилиш ва кредит қарздорликларни сўндириш имкониятлари жорий қилинган.

Қолаверса, кредит қарздорликларини сўндириш онлайн шаклда махсус кредит ID рақамига тўловларни ўтказиш орқали амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу мобиль илова орқали онлайн кредит олиш имконияти ҳам жорий этилган.

Жисмоний шахсларга **“Xalq Mobile”** иловаси орқали чет эл валютасини сотиб олиш хизмати жорий қилинди.

Ушбу илова ёрдамида муддатли ва муддатсиз онлайн омонатлар очиш, банк тарифлари бўйича қўйилаётган омонатларга устама ҳақларни ҳисоблаб кўриш ҳамда халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини чет эл валютасидаги ёки миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказиш мумкин.



## “SMS-хабарнома” хизмат тури

Жорий қилинган ушбу интерактив хизмат тури жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига янги, замонавий хизмат турлари кўламини кенгайтириш ҳамда ахборот коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда мижозларга тез ва ишончли хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу хизмат мижознинг мобиль алоқа ҳамда мобиль илова воситалари орқали исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамидаги маблағлар қолдиғи тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи дастурий тизимдир.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ҳолати ҳақида маълумот олиш” (my.gov.uz) хизмати.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари учун “Фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ҳолати ҳақида маълумот олиш” хизматини жорий этди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига янги, замонавий илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамидаги маблағлар ҳолатидан хабардор қилишдан иборат.




## Бармоқ изи хизмати



Халқ банки тизимида қўшимча равишда янги биометрик технологиялар асосида мижозларнинг **“бармоқ изи”** лойиҳаси бўйича шахсини идентификация қилиш, шунингдек, банк операцияларини ўтказишда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки бошқалар)ни алмаштириш жараёнида бўлган ёки йуқотилган ҳолатларда мижозлар шахсини тасдиқлаш мақсадида тезкор, ишончли ва кам вақт олувчи тизим яратилди.

Ушбу тизимда омонатчиларга омонат ҳисобварақлар очиш чоғида керак бўладиган операцияларнинг фақатгина мижознинг иштирокида амалга оширилишини таъминлаш учун махсус ридер ускунаси асосида уларнинг бармоқлари изидан намуналар олинади. Бу тизимнинг ютуқли томони омонатчининг иштирокисиз ҳеч қандай операциялар (фоизлар ҳисобланишидан ташқари) амалга оширилмаслигидадир.

Бундан ташқари, мижознинг бармоқ изини сканер қилиб олиш учун бир неча сония вақт талаб этилади.



## Планшет тўлов хизмати

Кўпгина чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларимиз илгари коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун туман марказларига борганликлари ҳаммамизга маълум.

Халқ банки уларнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда, нафақат шаҳар ва туманларда, балки қишлоқ, жойларда, маҳаллаларда филиаллар, махсус кассалар, жамғарма ва сайёр кассалар ташкил этиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талаблари бўйича банк хизматларини кўрсатишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Чунончи, банк ходимлари ўша ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов терминалларидан қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрнатилган махсус дастур орқали онлайн тизимида корхоналарнинг ҳисобрақамларига ўтказиб келмоқда.

Айниқса, дам олиш кунларида ҳам банк ходимлари бундай юмушни бажараётгани фуқароларимизга манзур бўлмоқда.



## ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА, ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИ

Корпоратив бошқарув тизимини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар якунланди, натижада банкнинг барча даражадаги янги ташкилий тузилмаси жорий этилди.

Самарадорлик таҳлили натижасида Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари фаолияти таркибнинг сифати ва миқдори ҳамда такрорланувчи вазифалари қайта кўриб чиқилади.

Мижозларга максимал йўналтирилганлик ва ходимлар самарадорлигини ошириш сиёсати доирасида фаолиятни тўхтатиш, қайта жойлаштириш орқали ҳудудий ва туман (шаҳар) филиалларининг ташкилий тузилмаси, шунингдек, филиал муассасаларидан ташқаридаги тармоғи оптималлаштирилди.


Шунга қарамай, Халқ банки ҳудудий мавжудлик бўйича етакчиликни сақлаб қолди. Республиканинг барча ҳудудларида жами **197 та филиал, 29 та мини-банк, 3 000 га яқин кассалар** иқтисодиётнинг реал секторига, кичик бизнес субъектлари ва аҳоли кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.



## ХАЛҚ БАНКИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



## ХАЛҚ БАНКИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ТУЗИЛМАСИ









Халқ банки фаолиятини самарали ташкил этиш, стратегик мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишда унинг кадрлари салоҳияти муҳим ресурслардан саналади.

Юқори салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам 2016-2020 йиллардаги банкнинг ривожланиш Стратегиясидаги истиқболли йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган. 2020 йил 1 январь ҳолатига Халқ банки ходимларининг сони **11 975 нафар**ни ташкил қилган (2019 йил 1 январда – **12 404 нафар**).

Банк кадрлар сиёсатининг бош истиқболли йўналиши профессионализм, жамоа ишининг натижага йўналтирилганлиги ва самарадорлигини таъминлаш бўлиб, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш соҳасида ўтказилаётган тизимли ишлар бунинг натижасидир.


2019 йилда банкнинг **10 844 нафар** ходими ўқитилган ва ўз малакасини оширган.

Жумладан, Халқ банкининг **271 нафар** ходими “**Ўқув маркази**”да ташкил этилган ўқув курсларида ўқиган, **526 нафар** ходим Марказий банк ва Банклар Ассоциацияси томонидан ташкил этилган ўқув курсларида ўқитилган.

Бундан ташқари, банкнинг **36 нафар** ходими **13 та** хорижий мамлакатларда ўз малакасини оширган.

Халқ банки ҳудудий филиаллари бошқарув таркиби захирасида турувчи ходимлар учун **96 та** махсус курс ташкил қилинган.

# 2019 ЙИЛ ТРАНЦФОРМАЦИЯ БЎЙИЧА ХРОНОЛОГИЯ



# АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

## АУДИТОРСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ AUDIT REPORT

Народный банк и его дочерние предприятия 6  
Консолидированная финансовая отчетность за год, закончившийся 31 декабря 2019 года (в тысячах УЗС)

### Консолидированный отчет о финансовом положении

	Прим.	31 декабря 2019 года	31 декабря 2018 года
<b>Активы</b>			
Денежные средства и их эквиваленты	7	1 597 590 419	1 271 318 880
Средства в других банках	8	2 406 675 602	2 830 582 071
Кредиты и авансы клиентам	9	11 303 655 948	4 098 823 794
Инвестиционные финансовые активы	10	89 694 037	9 687 561
Авансовые платежи по налогу на прибыль		1 191 427	5 188 225
Отложенный налоговый актив	27	34 746 601	38 832 178
Основные средства и нематериальные активы	11	901 473 818	656 154 843
Доля перестраховщиков в страховых резервах	12	2 700 706	1 088 804
Внеоборотные активы, удерживаемые для продажи	13	10 047 318	20 102 279
Прочие активы	14	161 230 967	59 793 548
<b>Итого активов</b>		<b>16 509 006 843</b>	<b>8 991 572 183</b>
<b>Обязательства</b>			
Средства других банков	15	834 054 584	189 528 859
Средства клиентов	16	8 308 310 637	5 408 808 104
Выпущенные долговые ценные бумаги	17	70 177 122	9 727 122
Прочие заемные средства	18	2 831 506 259	1 766 864 499
Страховые резервы	19	49 513 837	27 600 847
Прочие обязательства	20	244 304 212	92 512 026
<b>Итого обязательств</b>		<b>12 337 866 651</b>	<b>7 495 041 457</b>
<b>Собственный капитал</b>			
Акционерный капитал	21	4 234 433 962	1 647 595 146
Резерв предупредительных мероприятий		155 009	82 635
Нераспределенная прибыль и фонды / (Накопленный убыток)		(63 448 779)	(151 147 055)
<b>Итого собственный капитал</b>		<b>4 171 140 192</b>	<b>1 496 530 726</b>
<b>Итого обязательства и собственный капитал</b>		<b>16 509 006 843</b>	<b>8 991 572 183</b>

Утверждено и подписано от имени руководства Группы:

  
Саламов Ф.И.  
Председатель Правления Банка

14 мая 2020 года


  
м.п. Бозоров Х.М.  
И.о. Главного бухгалтера Банка

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.

## Консолидированный отчет о прибылях и убытках, и прочем совокупном доходе

	Прим.	За год, закончившийся 31 декабря 2019 года	За год, закончившийся 31 декабря 2018 года
<b>Продолжающая деятельность</b>			
Процентные доходы, рассчитанные по эффективной процентной ставке	22	1 287 805 600	712 577 919
Прочие процентные доходы	22	515 308 799	65 340 911
Процентные расходы, рассчитанные по эффективной процентной ставке	22	(794 972 701)	(566 612 080)
Прочие процентные расходы	22	(125 852 855)	(24 270 165)
<b>Чистые процентные доходы</b>		<b>882 288 843</b>	<b>187 036 585</b>
Создание резерва под кредитные убытки по долговым финансовым активам	8,9,10	(168 056 555)	(52 096 725)
Чистые доходы/(расходы) от первоначального признания финансовых инструментов и модификации кредитов		(103 645 009)	(98 577 121)
<b>Чистые процентные доходы после создания резерва под кредитные убытки</b>		<b>610 587 279</b>	<b>36 362 739</b>
Комиссионные доходы	23	636 868 298	490 546 419
Комиссионные расходы	23	(191 098 146)	(183 280 037)
Чистые доходы/(расходы) по операциям в иностранной валютой и от переоценки иностранной валютой		(48 611 510)	(2 609 060)
Доходы по дивидендам		2 151 006	944 997
Доходы, полученные по страховой деятельности	24	17 584 240	18 465 107
Расходы, понесенные по страховой деятельности	24	(11 157 546)	(9 976 353)
Восстановление/(создание) резерва под кредитные убытки по обязательствам кредитного характера	20	(5 374 320)	(3 077 812)
Создание резерва по прочим активам		(34 442 013)	(63 775 142)
Прочие операционные доходы	25	102 778 902	76 873 477
Административные и прочие операционные расходы	26	(965 217 420)	(694 146 199)
<b>Прибыль/(убыток) до налогообложения</b>		<b>114 068 770</b>	<b>(333 671 864)</b>
Расходы по налогу на прибыль	27	(16 265 509)	(138 480)
<b>Прибыль/(убыток) за год от продолжающейся деятельности</b>		<b>97 803 261</b>	<b>(333 810 344)</b>
<b>Прекращенная деятельность</b>			
Доход/(убыток) за год от прекращенной деятельности		55 719	(22 188)
<b>Чистая прибыль/(убыток) за год</b>		<b>97 858 980</b>	<b>(333 832 532)</b>

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.



# АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

## АУДИТОРСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ AUDIT REPORT

Народный банк и его дочерние предприятия  
Консолидированная финансовая отчетность за год, закончившийся 31 декабря 2019 года (в тысячах УЗС) 8

### Консолидированный отчет о прибылях и убытках, и прочем совокупном доходе (продолжение)

Прим.	За год, закончившийся 31 декабря 2019 года	За год, закончившийся 31 декабря 2018 года
	97 858 980	(333 832 532)
<b>Чистая прибыль/(убыток) за год</b>		
Прочий совокупный доход:		
		362 167 232
	-	
	Переоценка зданий	
		(239 716)
10	(1 126 382)	
	Доходы / (расходы) по инвестиционным финансовым активам	
	225 276	52 258
	Налог на прибыль, относящийся к компонентам совокупного дохода	
	(901 106)	361 979 774
	Итого прочего совокупного дохода / (убытка)	
	96 957 874	28 147 242
	Итого совокупный доход за год	

Утверждено и подписано от имени руководства Группы:

  
Саламов Ф.И.  
Председатель Правления Банка



  
м.п. Бозоров Х.М.  
И.о. Главного бухгалтера Банка

14 мая 2020 года

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.

## Консолидированной отчет об изменениях в капитале


	Акционерный капитал	Резерв предупредительных мероприятий	Нераспределенная прибыль и фонды / (Накопленный убыток)	Итого капитал
<b>Остаток на 1 января 2018 года</b>	<b>1 047 222 010</b>	<b>56 030</b>	<b>(173 955 701)</b>	<b>873 322 339</b>
Чистый прибыль / (Чистый убыток) за год	-	-	(333 832 532)	(333 832 532)
Прочий совокупный доход	-	-	361 979 774	361 979 774
<b>Итого совокупный доход за год</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>28 147 242</b>	<b>28 147 242</b>
Изменение в прочих страховых резервах	-	26 605	(26 605)	-
Увеличение акционерного капитала	562 861 773	-	-	562 861 773
Дивиденды, объявленные по обыкновенным акциям	-	-	(5 311 991)	(5 311 991)
Капитализация налоговых льгот	37 511 363	-	-	37 511 363
<b>Остаток на 31 декабря 2018 года</b>	<b>1 647 595 146</b>	<b>82 635</b>	<b>(151 147 055)</b>	<b>1 496 530 726</b>
Чистый прибыль за год	-	-	97 858 980	97 858 980
Прочий совокупный доход	-	-	(901 106)	(901 106)
<b>Итого совокупный доход за год</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>96 957 874</b>	<b>96 957 874</b>
Изменение в прочих страховых резервах	-	72 374	(72 374)	-
Увеличение акционерного капитала	2 559 172 000	-	-	2 559 172 000
Дивиденды, объявленные по обыкновенным акциям	-	-	(9 187 224)	(9 187 224)
Капитализация налоговых льгот	27 666 816	-	-	27 666 816
<b>Остаток на 31 декабря 2019 года</b>	<b>4 234 433 962</b>	<b>155 009</b>	<b>(63 448 779)</b>	<b>4 171 140 192</b>

Утверждено и подписано от имени руководства Группы:

  
 Саламов Ф.И.  
 Председатель Правления Банка  
 14 мая 2020 года

  
 м.п. Бозоров Х.М.  
 И.о. Главного бухгалтера Банка

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.



# АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

## АУДИТОРСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ AUDIT REPORT

Народный банк и его дочерние предприятия  
Консолидированная финансовая отчетность за год, закончившийся 31 декабря 2019 года (в тысячах УЗС)

10

### Консолидированный отчет о движении денежных средств

	За год, закончившийся 31 декабря 2019 года	За год, закончившийся 31 декабря 2018 года
<b>Движение денежных средств от операционной деятельности</b>		
Проценты полученные	1 757 985 279	759 898 133
Проценты уплаченные	(645 523 195)	(578 331 082)
Комиссии полученные	631 981 780	493 238 729
Комиссии уплаченные	(196 794 195)	(177 619 897)
Доходы, полученные по страховой деятельности	15 972 338	17 676 138
Расходы, понесенные по страховой деятельности	(33 070 536)	(1 819 745)
Чистый доход/(убыток), полученные по операциям в иностранной валюте	(153 487 985)	(17 165 727)
Прочие полученные операционные доходы	102 778 902	74 647 235
Расходы на персонал	(634 016 523)	(430 100 536)
Административные и прочие операционные расходы	(518 138 377)	(247 489 960)
Уплаченный налог на прибыль	(8 183 134)	(18 810 686)
<b>Денежные потоки от операционной деятельности до изменений в операционных активах и обязательствах</b>	<b>319 604 364</b>	<b>(126 877 398)</b>
<b>Чистое (увеличение)/уменьшение операционных активов</b>		
Средства в других банках	432 759 595	(1 292 439 612)
Кредиты и авансы клиентам	(6 579 313 695)	(1 668 962 874)
Прочие активы	(101 437 419)	(34 615 202)
<b>Чистое увеличение/(уменьшение) операционных обязательств</b>		
Средства других банков	644 525 725	28 236 813
Средства клиентов	2 899 502 533	1 473 327 989
Прочие обязательства	151 792 186	11 556 786
<b>Чистое движение денежных средств от операционной деятельности</b>	<b>(2 232 666 721)</b>	<b>(1 608 773 498)</b>
<b>Денежные потоки от инвестиционной деятельности</b>		
Покупка инвестиционных ценных бумаг	(82 421 699)	(1 990 048)
Погашение инвестиционных ценных бумаг	(2 000 000)	666 069
Приобретение основных средств и нематериальных активов	(320 584 426)	(115 605 025)
Выручка от реализации основных средств	25 702 341	27 547 790
Дивиденды полученные	2 151 006	944 997
<b>Чистое движение денежных средств от инвестиционной деятельности</b>	<b>(377 162 778)</b>	<b>(88 436 217)</b>

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.



## Консолидированный отчет о движении денежных средств (продолжение)

	За год, закончившийся 31 декабря 2019 года	За год, закончившийся 31 декабря 2018 года
<b>Денежные потоки от финансовой деятельности</b>		
Поступления от выпуска акций	2 559 172 000	557 549 782
Поступление от выпуска долговые ценные бумаги	69 950 000	-
Погашение долговые ценные бумаги	(9 500 000)	(24 850 278)
Получение прочих заемных средств	1 096 813 351	1 756 025 925
Погашение прочих заемных средств	(877 264 790)	(1 719 460)
Дивиденды оплаченные	(9 187 224)	-
<b>Чистое движение денежных средств от финансовой деятельности</b>	<b>2 829 983 337</b>	<b>2 287 005 969</b>
Влияние изменений обменных курсов на денежные средства и их эквиваленты	104 876 475	14 556 667
<b>Чистое изменение денежных средств и их эквивалентов</b>	<b>325 040 313</b>	<b>604 352 921</b>
<b>Денежные средства и их эквиваленты на начало отчетного года</b>	<b>1 274 056 844</b>	<b>669 703 923</b>
<b>Денежные средства и их эквиваленты на конец отчетного года</b>	<b>1 599 097 157</b>	<b>1 274 056 844</b>

\*Остаток денежных средств и их эквивалентов на конец периода за минусом резерва ожидаемых кредитных убытков, смотрите примечание 7.


Утверждено и подписано от имени руководства Группы:

  
 Саламов Ф.И.  
 Председатель Правления Банка

14 мая 2020 года

  
 м.п. Бозоров Х.М.  
 И.о. Главного бухгалтера Банка

Примечания на страницах с 12 по 92 являются неотъемлемой частью настоящей консолидированной финансовой отчетности.



A vertical decorative element on the left side of the page, consisting of a repeating geometric pattern of interlocking lines forming star-like shapes in a light blue-grey color.

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ  
ГОДОВОЙ ОТЧЕТ  
ANNUAL REPORT

2019

[www.xb.uz](http://www.xb.uz)